O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 24 январь, № 17 (4427) Пайшанба

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Корея Республикаси Президентлигига бўлиб ўтган 17-сайловда ғалаба қозонганим муносабати билан йўллаган қизғин қутловларингиз учун Сиз, Жаноби Олийларига самимий миннатдорлигимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Айни пайтда, ўтган йилнинг декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловидаги ғалабангиз муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларини чин қалбдан муборакбод этиб йўллаётган табрикларимни лутфан қабул қилгайсиз. Ўзбекистон Республикаси шахсан Сиз, Жаноби Олийларининг раҳбарлигингизда юксак иқтисодий ўсишга эришди ва ишончим комилки, Президент сайловидаги ғалабангиз туфайли Ўзбекистон Республикаси янада жадал ривожланиб, Марказий Осиёдаги энг илғор давлат бўлиб қолади.

1992 йилда илк қадамлари қўйилган дипломатик муносабатларимизнинг 16 йил — қисқа муддат бўлишига қарамай, Корея Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси сиёсат, иқтисодиёт ва маданият каби кўплаб соҳаларда дўстона ҳамкорликка эришди. Айниқса, сўнгги йилларда давлатларимиз ўртасида ҳажми 20 фоиздан ошган савдо соҳасидаги ҳамкорлик ривожланиб бормоқда. Корея Республикаси Ўзбекистон Республикасида Осиё мамлакатлари орасидаги энг йирик инвесторга айланди.

2006 йилнинг март ойида Сиз, Жаноби Олийларининг Корея Республикасига ташрифингиз, ана шу ташриф давомида Сизга берилган «Сеулнинг фахрий фуқароси» унвони, шунингдек, турли муҳим масалалар бўйича Сиз, Жаноби Олийлари билан уюштирилган жиддий ва самарали учрашув-мулоқотлар тўғрисидаги хотиралар менга алоҳида мамнуният ва қувонч бахш этади.

Давлатларимиз иқтисодиётининг бир-бирини тўлдира олиш жиҳатларини инобатга олган ҳолда, ўйлайманки, Корея Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси энергетика ресурслари, тўқимачилик саноати, ахборот технологиялари соҳаларида, шунингдек, қурилиш индустриясида ўзаро манфаатли салоҳиятга эгадир. Сиз, Жаноби Олийлари билан биргаликда ушбу салоҳиятни амалга ошира бориб, мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини ривожлантириш ва чуқурлаштиришни давом эттиришимизга умид боғлаб қоламан.

Жаноби Олийлари, яна бир бор самимий қутловларингиз учун миннатдорлигимни ҳамда Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ, Ўзбекистон Республикасига эса доимий тараққиёт ва равнақ тилаб билдирган эзгу истакларимни лутфан қабул қилгайсиз.

**Ли Мён БАК,**
**Корея Республикасининг сайланган Президенти.**

* * *

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

"Покистон мусулмонлар лигаси" партияси ва шахсан ўз номимдан Сизга Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига қайта сайланганингиз муносабати билан самимий табригимни изҳор этаман.

2007 йил 23 декабрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови Сизнинг буюк мамлакатингиз келажаги учун ғоят муҳим сиёсий воқеа бўлди. Президент сайлови натижалари Ўзбекистон фуқароларининг Сизнинг мамлакат равнақи ва осойишталигини таъминлаш, халқ фаровонлигини юксалтиришга қаратилган сиёсатингизга бўлган юксак ишончи ва уни қўллаб-қувватлашидан далолатдир.

Ўзбекистонга бир неча бор ташриф буюрганим, айниқса, 1992 йилнинг октябрида Тошкентда Афғонистон Президенти иштирокида ўтган матбуот анжуманида Сиз билан шахсан учрашишга муяссар бўлганим менга катта мамнуният бағишлаганини ҳеч қачон ёдимдан чиқармайман. Шундан буён, хусусан, 2007 йил январь ойида мамлакатингизда бўлганимда Ўзбекистон ижтимоий, иқтисодий, маданий ва маърифий жабҳаларда улкан ютуқларга эришганининг ҳамда энг муҳими — республика ҳаётида сиёсий туб ислоҳотлар амалга оширилганининг гувоҳи бўлиб келмоқдаман.

Сизнинг узоқни кўзлаб олиб бораётган раҳбарлигингиз натижасида Ўзбекистон Республикаси истиқлолга эришган кундан буён мамлакатни модернизация қилиш борасида босқичма-босқич амалга ошириб келинаётган кенг кўламли ислоҳотларни изчил давом эттиришига ишончим комил.

Жаноби Олийлари,

Сизни қайта сайланганингиз муносабати билан яна бир бор муборакбод этаман. Мамлакатларимиз ўртасидаги қардошлик муносабатлари бундан буён ҳам Сизнинг доно раҳбарлигингизда халқларимиз манфаати йўлида ривожланишига ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ, масъулиятли фаолиятингизда улкан муваффақиятлар ва қардош Ўзбекистон халқига янада равнақ ва фаровонлик тилайман.

Эҳтиром ила,

**Мушаҳид Ҳуссайн САИД,**
**«Покистон мусулмонлар лигаси» партияси Бош котиби, Сенатнинг Халқаро ишлар бўйича доимий қўмитаси раиси.**

# Модернизация: ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

***Буни «Ўзкимёсаноат» корхоналари фаолияти тўла тасдиқлади.***



***Мамлакатимиз иқтисодий тараққиётини кимё саноатисиз тасаввур этиб бўлмайди. Кейинги йилларда бу тармоқда ҳам таркибий ўзгаришлар амалга оширилди. Хусусан, маҳсулот таннархини камайтириш, унинг техник ва сифат кўрсаткичларини яхшилаш орқали ички ва ташқи бозорда рақобат муҳитини яратиш борасида муайян ишлар бажарилди.***

**Жараён**

Ўз навбатида, экспортга мўлжалланган ҳамда импорт ўрнини босувчи кимё маҳсулотларининг янги турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бунда, айниқса, Президентимизнинг 2007 йил 27 июлдаги "2007-2011 йиллар мобайнида Кимё саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида"ги қарори муҳим аҳамият касб этди. Ушбу ҳужжат талабларига кўра, кимё саноатини янада барқарор ва мутаносиб ҳолда ривожлантириш, ишлаб чиқариш қувватларидан оқилона фойдаланиш, энергияни тежайдиган ҳамда экологик хавфсиз ва самарали технологияларни жорий этиш, шунингдек, маҳаллий хом ашё ресурслари ва базавий кимё маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ҳажмини ошириш устувор вазифага айланди. Мавжуд корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича эса махсус дастур ишлаб чиқилиб, унинг ижроси таъминланмоқда.

Ҳозирги кунда "Ўзкимёсаноат" давлат акциядорлик компанияси тизимида 11 та йирик саноат корхонаси, 13 та минтақавий дистрибьюторлик ташкилоти, қишлоқ хўжалик корхоналарига минерал ўғит етказиб берувчи юзлаб савдо шохобчалари, лойиҳа ва илмий-тадқиқот институтлари, транспорт-экспедиция хизмат кўрсатиш компанияси ва 3 та қўшма корхона фаолият юритаяпти. Корхоналарда минерал ўғит ва ноорганик воситалар, органик кимё, сунъий тола ҳамда полимер материаллари, энергетика, олтин қазиб олиш ва бошқа тармоқларда ишлатиладиган кимёвий реагентлар ва ўсимликларни ҳимоя қилувчи кимёвий воситалар ишлаб чиқарилмоқда. Бу борадаги ўсиш ҳар йили динамик тарзда 2-2,5 фоизни ташкил этаяпти. Шу билан бирга, экспорт ҳажми ҳам юксалиб, у йилига ўртача 10 фоиздан ошаётир. Мисол учун, 2007 йилнинг 9 ойи давомида кимёвий тола ва ип ишлаб чиқариш ҳажми 2006 йилнинг шу давридагига нисбатан 45,3 фоизга, синтетик ювиш воситалари 67,7 фоизга ўсди. Сифатли ва экологик тоза кимёвий маҳсулотлар эса Туркия, Хитой, Эрон, Афғонистон давлатларига экспорт қилинди.

(Давоми 2-бетда).



**Б. АЛЛАШЕВ, Б. АКРАМОВ олган суратлар.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

***23 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ялпи мажлиси бўлиб ўтди.***

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Эркин Ҳамдамович Халиловни саломатлиги туфайли берган аризасига биноан эгаллаб турган лавозимидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Мазкур ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг янги Спикерини сайлаш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг парламентдаги фракцияси раҳбари Дилором Ғафуржоновна Тошмуҳамедованинг номзоди депутатлар муҳокамасига қўйилди.

Яширин овоз бериш натижасига кўра, Д. Ғ. Тошмуҳамедова Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери этиб сайланди.

**(ЎзА).**

***Яқинда мамлакатимизнинг Бельгиядаги элчихонасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови натижаларига бағишланган брифинг бўлиб ўтди. Унда Бельгиянинг расмий муассасалари, Европарламент, Брюсселда жойлашган таҳлил ва тадқиқот марказлари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.***

# БРЮССЕЛДА БРИФИНГ

Брифингда алоҳида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловилари эркин ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти қураётган юртнинг келажаги учун тарихий аҳамиятга эга бўлган муҳим сиёсий воқеа бўлди.

Бу воқеа мамлакат фуқароларининг ҳуқуқий ва сиёсий онги юксак эканлигини кўрсатдики, сайловчилар ўзларининг фаол иштироки билан мамлакатда олиб борилаётган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар йўналишини қўллаб-қувватлашди.

Тадбир чоғида Президент сайловларида халқаро кузатувчи сифатида иштирок этган Европа халқаро муносабатлар ин-

**Дунё нигоҳи**

ститутининг президенти, профессор Ирнерио Семинаторе ўзининг Ўзбекистонда бўлиши натижалари билан брифинг қатнашчиларини таништирди.

И. Семинаторенинг айтишича, Ўзбекистондаги Президент сайлови тинч ва очиқ-ошкоралик муҳитида ўтди. Бу муҳим сиёсий тадбирда кўп сонли халқаро ва маҳаллий кузатувчиларнинг иштирок этгани Ўзбекистоннинг очиқ мамлакатлиги ҳамда унинг демократия меъёрларига содиқлигини намойиш этди.

Европалик олимнинг таъкидлашича, Марказий Осиё давлатларида, жумладан, Ўзбекистонда кечаётган жараёнларга баҳо беришда уларнинг жўғрофий, тарихий ва маданий омиллари ҳисобга олинмоғи лозим. Айнан шу нуқтаи назардан Ўзбекистондаги вазият таҳлил

(Давоми 2-бетда).

**Тақдимот**

***Кеча Тошкент Давлат аграр университетида Ёшлар йили муносабати билан "Она-Ер ёшлар қўлида" шиори остида ўтказиладиган ёш фермерлар республика кўрик-танловининг тақдимоти бўлиб ўтди.***

# «ОНА-ЕР ЁШЛАР ҚЎЛИДА»

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек, Тошкент вилоятидан бир қатор ёш фермерлар иштирок этишди.

Таъкидландики, танлов бежиз фермерлар ўртасида ўтказилмаяпти. Негаки, бугун глобал муаммо тусини олган тупроқ ва сув ресурсларининг ифлосланиши, ерларнинг деградацияси инсон фаолияти, жумладан, қишлоқ хўжалигининг таъсири оқибатида янада кучаймоқда. Шу маънода, унинг олдини олиш мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида етакчи куч ҳисобланган фермерларнинг оқилона фаолиятига ҳам боғлиқ.

Бугунги кунда юртимизда фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларининг 22 мингдан ортиғини ёшлар бошқаряпти. "Экосан" халқаро ташкилоти ташаббуси билан Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси, "Камолот" ЁИҲ, Қурғоқчил минтақаларда қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари халқаро маркази (ИКАРДА) томонидан ташкил этилган кўрик-танловда ана шу қатлам қамраб олинади.

Ташкилотчиларнинг айтишича, танлов иштирокчиларининг фаолияти табиий ресурслардан оқилона фойдаланиб, экологик тоза маҳсулотлар етиштириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаб, унумдорлигини ошириш, қишлоқда маданий-маиший инфратузилма ривожига ҳисса қўшиш каби бир қатор мезонлар орқали баҳоланади.

**Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ҲИМОЯСИГА ЭЪТИБОР

***Тошкентда янги услуб ва технологияларни яратиш ҳамда уларни бозорга чиқаришда интеллектуал ресурсларни бошқариш тизими самарадорлигини оширишга доир тавсияларни ишлаб чиқишга бағишланган "Замонавий бошқарув услубларини жалб этган ҳолда интеллектуал мулк ҳуқуқларидан фойдаланиш" мавзуида минтақалараро симпозиум бўлиб ўтмоқда. У Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси томонидан Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти билан ҳамкорликда ташкил этилди.***

Дунёнинг 20 дан зиёд давлатидан ташриф буюрган мутахассислар, Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ва Евроосиё патент ташкилоти вакиллари уч кун давом этадиган симпозиумда интеллектуал мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва мазкур соҳада тижоратни йўлга қўйиш имкониятларини муҳокама этадилар.

Давлат патент идораси директори А. Азимов Ўзбекистон катта илмий-техник салоҳиятга эга бўлиб, республиканинг ундан самарали фойдаланиш борасидаги ютуқлари жаҳонда юқори баҳоланишини таъкидлади.

Мустақиллик йилларида Президент Ислом Каримов раҳнамолигида интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилишни тартибга соладиган миллий қонунчилик ишлаб чиқилиб, мунтазам такомиллаштирилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

# МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

***Қумқўрғон туманидаги 24-ўрта умумтаълим мактаби бултур халқаро ўқув технологиялари гранти танловида қатнашиб, Японияниг Ўзбекистондаги элчихонаси грантини қўлга киритганди.***

## Мактабга муносиб мукофот

Грант шартларига асосан, мактабнинг барча синфларида компьютер жиҳозлари ўрнатилди.

Элчихона вакиллари яқинда мактабга келиб, грант ғолибларига 10 та тикув машинасини совға қилдилар.

— Мукофот ва совғалар ўқувчиларимизни кунт билан ўқишга рағбатлантирмоқда, — дейди мактаб директори Нормамат Нормуродов. — Биз таълим тизимининг барча жабҳаларида пешқадам бўлишга интилиб ишлаяпмиз.

**Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## МАШҒУЛОТЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

***Урганч шаҳрида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосарлари, Хоразм вилояти ҳокимининг ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари иштирокида давра суҳбати шаклидаги ўн кунлик анъанавий минтақавий ўқув-семинар иш бошлади.***

Дастлабки машғулот давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган маърузасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга қаратилди.

Машғулотларда жамиятни демократлаштириш ва иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг устувор вазифалари билан бирга, суд-ҳуқуқ, банк, молия, солиқ тизими, аграр ҳамда ижтимоий соҳалар, аҳоли бандлиги, хотин-қизлар мавқеини янада юксалтиришга оид кенг қамровли маърузалар тингланади ва муҳокама қилинади. Шунингдек, жойларда бу борада амалга оширилаётган ишлар, орттирилган тажрибалар таҳлил этилади.

Тадбирда тегишли вазирлик ва уларга қарашли идораларнинг етакчи мутахассислари, Тошкент Давлат юридик институти, Тошкент Давлат иқтисодиёт ва Тошкент Давлат аграр университетлари профессор-ўқитувчиларининг долзарб мавзулардаги маърузалари ҳам тингланмоқда.

**Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

**БИР РАҚАМ ШАРҲИ**

***Якунланган йилда республикамизда экспорт ҳажми***

**1,4 баробардан зиёд кўпайди.**

**Мамлакатимизнинг барча вилоятларида хориж инвестицияси иштирокида кўплаб янги қўшма корхоналар қурилиб, фойдаланишга топширилгани, мавжуд корхоналарни эса модернизациялаш ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш натижасида шундай ўсишга эришилди.**

***«Андижонни кўркам ва обод ҳудудга айлантирайлик» кўрик-танловини ўтказиш вилоятда ўзига хос анъанага айланиб қолди.***

## Ободончилик — юрт кўрки

Бу галги кўрик-танлов якунида Балиқчи, Пахтаобод, Андижон ва Булоқбоши туманлари совринли ўринларни эгаллаб, вилоят ҳокимлигининг дипломи ва тўрт миллион сўмдан ўн миллион сўмгача миқдорда пул мукофотларига сазовор бўлишди.

Шаҳар ва туманларни кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ҳамда бадиий ҳаваскорликни ривожлантиришдек оммавий ҳаракатга омил бўлаётган бу кўрик-танловни 2008-2010 йилларда ҳам давом эттириш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқилди.

**Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ.**

**Модернизация:**

# ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мамлакатимизда кимё саноатининг изчил ривожланиб бораётгани, табиийки, хорижий ҳамкорлар ва сармоядорларнинг қизиқишини орттираётир. Ўтган йилнинг 6-8 ноябрь кунлари пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да бўлиб ўтган "Кимё, пластмасса, резина — ChemPlastAsia — 2007" Марказий Осиё халқаро кўргазмасида Хитой, Германия, Россия, Португалия, Жанубий Корея, Украинанинг кўплаб фирма ва компаниялари ўз маҳсулотлари, хизмат кўрсатиш турлари билан иштирок этгани шундан далолат беради. Мазкур кўргазма павильонларида кимё, нефть саноати учун хом ашё ва ускуналар, технологиялар, назорат-ўлчов асбоблари, каучукни қайта ишлаш учун техника ва ускуналар, экструдер ва экструзион қурилмалар, компрессорлар, турли хом ашёлар намойиш қилинди. Республикамизда минерал ўғитлар, метанол, карбамид, аммиакли селитра, хлорат, меламин каби маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш бўйича яқин келажакда амалга оширилиши кўзда тутилган устувор лойиҳалар тақдим этилди. Буларнинг ҳаммаси хорижликларда катта таассурот уйғотди. Натижада, кўргазма давомида томонлар ўртасида тенг манфаатли ҳамкорлик ўрнатиш бўйича бир қатор битим ва шартномалар имзоланди.

Шу билан бирга, кимё саноати ишлаб чиқарувчилари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчилар ўртасидаги алоқалар тобора мустаҳкамланганини таҳсинга сазовор. Жумладан, саноатчилар фермерларнинг юмушини енгиллатиш мақсадида ўзлари ишлаб чиқараётган минерал ўғитларни бевосита дала бошига етказиб беришни йўлга қўйдилар. 2007 йилда айни шу усулда улар томонидан қишлоқ хўжалик тузилмалари 447820 тонна азотли, салкам 87000 тонна фосфорли ҳамда 11770 тонна калийли ўғит билан таъминланди.

Бундан ташқари, тоғ-металлургия соҳасида мис, қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар, олтин ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишида ҳам кимё саноатининг ҳиссаси салмоқли бўлмоқда. Қидирув ишларида, маъданларни қайта ишлашда кимёвий реагентлар алоҳида ўрин тутаётгани бунинг ёрқин далилидир. Эътиборлиси, маҳаллий шароитда ишлаб чиқарилаётган бундай воситалар, биринчидан, хорижникидан арзон, иккинчидан эса, сифат жиҳатдан жаҳон андозалари талабларига тўлиқ жавоб беради.



Президент қарорига мувофиқ, яқин истиқболда "Фарғонаазот" ОАЖда "Аммиак-76" маҳсулоти ишлаб чиқариш мажмуасини капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш, Чирчиқдаги "Электркимёсаноат" ОАЖда аммиак ишлаб чиқарувчи агрегатни модернизациялаш кўзда тутилган. Айни кунларда мазкур йўналишдаги устувор инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

**Саидолим ҲАЙДАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**2008 йил — Ёшлар йили**

***Бугун барчага аён — мустақиллик даврида мамлакатимизда ёшларга эътибор, ишонч тубдан ўзгарди. Уларнинг маънавий ва жисмоний баркамол бўлиб вояга етишлари учун барча имкониятлар яратилди. 2008 йилнинг «Ёшлар йили» деб эълон қилиниши ана шу фикрнинг яна бир исботидир.***

# ИСТЕЪДОДЛАР КАМОЛ ТОПАДИ

— Бошқа жойлардаги каби Самарқандда ҳам барча соҳаларда ёшлар фаол, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят бўлими кенгаши раиси Азамат Пардаев. — Ишлаб чиқариш, тадбиркорлик, фан-техника ривожи, қурилиш, ободонлаштириш каби жабҳаларни уларнинг иштирокисиз тасаввур этиш қийин. Лекин бу, ёшларимиз фаолиятидан қониқиш, дегани эмас. Қолаверса, улар олдида ечимини кутаётган бир қатор муаммолар ҳам турибди. Масалан, вилоятдаги 1 миллион 300 минг нафардан зиёд ёшларнинг аксар қисми қишлоқларда яшайди. Уларни тезкор ва ривожланган ахборот технологияларидан тўла хабардор, дея оламизми?

Ҳозирда «Камолот» ЁИҲнинг Самарқанд вилояти бўлими кенгаши бошланғич ташкилотлари 450 мингдан ортиқ аъзони ўз атрофида бирлаштириб турибди. Кенгаш ҳомийлигидаги «Камалак» болалар ташкилотининг 299 мингга яқин аъзоси бор. Бундан олти йил аввал ҳаракатнинг оддий аъзолари бўлган ёшлар эндиликда фаол ва ташаббускор етакчиларга айланган.

«Сиз қонунни биласизми?», «Энг малакали ёш истеъмолчи», «Ёш ҳуқуқшунослар» каби республика ва вилоят кўрик-танловлари, Ёшлар ижтимоий хизмати маркази тизимидаги «Баҳс-дебат», «Ҳуқуқий тарғибот» марказлари ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини, сиёсий онгини ошириш борасида муҳим аҳамиятга эга.

Мутахассисликка эга бўлган ёшлар учун иш ўринлари яратиш ёшларни ижтимоий ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутади. Шу мақсадда вилоятнинг барча шаҳар ва туманлари марказларида ҳар йили «Бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси» ўтказилаяпти. Натижада, кўплаб ёшлар ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилинмоқда.

Кейинги йилларда вилоятда спортнинг кўплаб турлари бўйича юқори натижалар қўлга киритилаётгани қувончлидир. 2007 йилнинг ўзида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва вилоятдаги спорт федерациялари билан ҳамкорликда футбол, баскетбол, волейбол, каратэ, кикбоксинг, шахмат, шашка, самбо, армрестлинг, бадиий гимнастика бўйича турнирлар, мусобақалар ташкил этилди.

Самарқанд шаҳридаги «Камолот» спорт мажмуасида волейбол, баскетбол, мини-футбол, шахмат, шашка билан шуғулланиш учун алоҳида имкониятлар мавжуд. Бунинг учун 47,5 миллион сўм маблағ сарфланди. Айни пайтда мажмуада 800 нафарга яқин йигит-қиз спорт билан шуғулланишаяпти. Қатор қишлоқларда ҳам ёшлар учун ана шундай имкониятлар яратилди. Самарқанд ва Тайлоқ спорт коллежлари республика миқёсида спортчилар тайёрлаб берадиган масканга айланган. Самарқанд тиббиёт таянч коллежи жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Фирдавс Холмуродов ўтган йили муайтай бўйича Таиландда ўтказилган жаҳон биринчилигида олтин медални қўлга киритди.

«Камолот»чилар ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг бор маҳоратини ишга солишда турли йўналишдаги тадбирлардан фойдаланмоқдалар. «Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмайди», «Ватаним тақдири — менинг тақдирим», «Биз гиёҳвандликка қаршимиз» каби ёшлар форумлари ва акциялари, «Келажак овози», «Янги авлод» республика кўрик-танловларининг вилоят босқичлари, «Самарқанд — менинг шаҳрим» интернет фестивали каби тадбирлар ёшларнинг тафаккур ва имкониятларини ошириш, уларни халқ фаровонлиги ва юрт тинчлиги йўлида изланишга ундамоқда. Ўтган йили вилоятнинг 15 ёшгача бўлган 31 нафар ўқувчиси «Янги авлод» республика ижодкор ёшлар фестивали соҳиби, 13 нафар 25 ёшгача бўлган вакили эса «Келажак овози» республика танлови ғолиби бўлди.

«Камолот» ташаббуси билан икки йилдан буён вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси ҳамда прокуратура билан ҳамкорликда узоқ қишлоқлардаги мактабларда «Биз фаровон келажак бунёдкорларимиз» мавзуида мега-танлов ўтказилаяпти. Бундан мақсад, қишлоқ мактабларида иқтидорлиларни аниқлаш, уларга кўмак беришдир.

Ёшлик бахтли ва масъулиятли давр. Уни зоега кетказмаслик, мақсад ва эзгу ишларнинг амалга ошиши учун зукколик, ғайрат-шижоат кўрсатиш, ақл-идрок ва тинмай изланиш талаб қилинади. Ишончимиз комилки, ёшларимиз, албатта, бунинг уддасидан чиқадилар.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

этиладиган бўлса, 16 йил мобайнида Республика ҳукумати томонидан мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ва барқарорлигини мустаҳкамлаш борасида улкан ишлар амалга оширилгани яққол намоён бўлади.

# БРЮССЕЛДА БРИФИНГ

Шунингдек, сайлов чоғида халқаро кузатувчилар овоз бериш жараёнларини назорат қилишлари учун тўласинча эркин бўлишгани ва уларнинг кўпчилиги билдирган фикрларга қараганда ҳам сайлов рисоладагидек шароитларда, очиқлик, хавфсиз ва шаффофлик муҳитида кечди.

Таъкидлаш керакки, бўлиб ўтган мазкур тадбир ва унда тақдим этилган маълумотлар брифинг қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

«Europe Diplomatique» журнали бош муҳаррирининг ўринбосари М. Деуринг «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан суҳбат чоғида мазкур брифинг сингари тадбирларнинг ўтказилиши Ўзбекистонда кечаётган вазиятни баҳолашда, мамлакатда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар хусусидаги ҳаққоний маълумотларни европалик тингловчилар эътиборига етказишда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлар экан, мамлакатимиз ҳукумати томонидан олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ва демократик ислоҳотлар жараёнларига юқори баҳо берди.

**«Жаҳон» АА.**
Брюссель

# ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ҲИМОЯСИГА ЭЪТИБОР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мамлакатимиз ушбу соҳадаги асосий халқаро ҳужжатларга қўшилди. Бугун республикамиз интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш бўйича халқаро тизимни бошқаришда фаол иштирок этмоқда. Ўзбекистон 2005 ва қайтадан 2007 йилда Париж иттифоқи Ижро қўмитасининг аъзоси этиб сайланди ва Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг раҳбар органи — Мувофиқлаштирувчи қўмита таркибига киритилди.

Симпозиум иштирокчиларига Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасининг 2003-2007 йилги давлат реестрларида 7 мингдан ортиқ интеллектуал мулк объекти — ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, товар белгилари, ЭҲМлар учун дастурлар, маълумотлар базалари ва селекция ютуқлари рўйхатга олингани маълум қилинди. Интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш ҳуқуқини бериш тўғрисида 563 та шартнома тузилган.

Бозор шароитида иқтисодиётни жадал ривожлантиришнинг омилларидан бири инновацияларни тижоратлаштириш стратегиясини амалга ошириш, яъни уларни амалиётга татбиқ этишдан иқтисодий фойда олиш ҳисобланади. Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг Европа ва Осиё мамлакатлари бўйича ҳамкорлик бўлими етакчи ходими Майкл Свантнер, Буюк британиялик эксперт Рон Марчант, Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти вакили Владимир Иоссифов, Евроосиё патент идораси экспертиза бошқармаси бошлиғи Виктор Талянский ва бошқалар шу ҳақда гапирди.

Анжуманда Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотига аъзо мамлакатларда умумэътироф этилган интеллектуал мулк объектларини патентлаш ва рўйхатга олиш тизими янги ишланмаларни яратишни рағбатлантиришга, уларни саноатда қўллаш учун шарт-шароит яратиш, янгиликларни оммалаштириш ва жорий этишга кўмаклашиш, инвестициялар оқимини кенгайтириш тузилмасини шакллантиришга қаратилгани қайд этилди. Ушбу тизимларнинг ишлашидан олинадиган иқтисодий фойдани кўпайтириш учун бу борадаги халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, илмий-техника ютуқларини тижорат мақсадида алмашиш жараёнига кенг жалб этиш зарурлиги таъкидланди. Бу эса, ўз навбатида, ишлаб чиқариш тажрибасини миллий ва халқаро миқёсда кенг татбиқ этишга кўмаклашади.

**А. ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

***Қишнинг қорли-қировли кунларида Навоий кон-металлургия комбинатининг аҳил жамоаси Томди тумани чорвадорларига амалий ёрдам кўрсатишга бел боғлади.***

# Чорвадорга мададкор

Улар узоқ отарларнинг чўпонларига қўшимча тарзда озиқ-овқат маҳсулотлари ва иссиқ кийимбош етказиб бердилар.

Қалин қор ва изғиринли совуқни енгиш учун комбинат бўлимлари Учқудуқ, Конимех, Нурота туманларидаги чорвадорларга қўл-қанот бўлмоқдалар.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



**Хизмат**

# ЙЎЛИНГИЗ РАВОН БЎЛСИН

"Лада" Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси Навоий шаҳрининг «Буюк Ипак йўли» кўчасида жойлашган. Бу нафақат шаҳар аҳолиси автоуловларига техник хизмат кўрсатиш, балки қўшни вилоятларга отланган йўловчилар учун ҳам жуда қулай эканлиги билан аҳамиятлидир.

Корхонада айни пайтда 42 нафар киши меҳнат қилиб, улар барча турдаги автомобилларга зарур техник хизмат кўрсатишаяпти. Ишчиларнинг аксарияти "ЎзДЭУавто" корхонасида малака оширгани бунда қўл келаётир.

**СУРАТДА: уста Намоз Жумаев.**

**Б. АКРАМОВ**
**олган сурат.**

# ХОРИЖ САРМОЯСИ — ИМКОНИЯТ МАНБАИ

***Пахтакор ҳамда Ғаллаорол туманларидаги қишлоқ врачлик пунктларига Япония ҳукуматининг имтиёзли маблағлари эвазига келтирилган замонавий тиббий ускуна ва жиҳозлар ўрнатила бошланди.***

Жорий йилда вилоят иқтисодиётига камида 22 миллион АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри чет эл сармоясининг жалб этилиши кўзда тутилган. Бунинг эвазига Фориш туманида «Forish Euro Sement» МЧЖ шаклидаги цемент заводи, Даштобод шаҳарчасида Туркия сармоядорлари иштирокида қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхонаси, Жиззах шаҳридаги пайпоқ тўқиш корхонаси негизида тўқимачилик фабрикаси каби ўнлаб иш жойлари барпо этилади. Мингдан зиёд янги иш ўринлари очилади.

Айни пайтда, мазкур жамоаларда ёшларни касбга тайёрлаш, хорижий корхоналарда малакаларини ошириш чоралари кўрилаётир.

**Б. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Президентимиз ўтган йил 29 октябрда имзо чеккан "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони мамлакатимиз деҳқончилигини ривожлантиришда бебаҳо аҳамиятли ҳужжатдир.***

# УНУМДОР ЕР — САХОВАТ КАЛИТИ

Юрт тараққиётига дахлдор бу ҳужжатни Тошкент вилояти деҳқонлари ҳам ўзлари учун дастуриламал сифатида қабул қилдилар. Соҳа мутасаддилари эса, Фармон талабларидан келиб чиққан ҳолда фаолиятларида кескин ўзгариш қилмоқдалар. Чунончи, вилоят ер ресурслари ва Давлат кадастри бошқармаси тегишли идоралар билан ҳамкорликда иш тутиб, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини туманлардаги Сувдан фойдаланувчилар уюшмалари ҳамда фермер хўжаликлари бўйича чуқур таҳлил қилдилар. Шунингдек, мавжуд суғориладиган экинзорлар сизот сувлари сатҳи ва шўрланиш даражасига қараб, қайта баҳоланди. Пировардида, ҳозирги кунда уларнинг 354130 гектари соз ҳолатда, 31600 гектари қониқарли, 4450 гектари қониқарсиз аҳволда эканлиги маълум бўлди. Ботқоқланган ва сизот сувлари кўтарилган ерлар туманлар хариталарига киритилди. Туманлараро, хўжаликлараро ва хўжаликлар ичидаги зовурларнинг техник аҳволи қатъий рўйхатга олиниб, тупроқ унумдорлигига салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатларни бартараф этиш режалари ишлаб чиқилди. Ер унумдорлиги ва мелиоратив ҳолатига оид маълумотлар жамланди. Сўнгра шу асосда беш йилга мўлжалланган мелиоратив тадбирлар лойиҳаси тайёрланиб, бажариладиган ишлар режаси тузилди.



Лойиҳага мувофиқ, зовурларни тозалаш, реконструкция қилиш ва тиклаш тизимли равишда олиб борилади. Айни чоғда, Президентимизнинг 2007 йил 5 ноябрдаги тегишли қарори ижросини таъминлашга ҳам жиддий эътибор қаратилади. Ҳосилдорлиги паст, сизот сувлари сатҳи кўтарилган, тупроғи шўрланган пайкалларда давлат эҳтиёжлари учун деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш билан машғул фермер хўжаликлари ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, уларнинг барқарор ривожланиши учун қулай шарт-шароит яратилади.

**Фармон ва ижро**

Ана шу ниятда бу йил мелиорация шохобчаларининг самарали ишлаши, сизот ва оқова сувларнинг коллектор-дренаж тармоқлари орқали чиқариб юборилиши таъминланади. Ўттизта йирик асосий зовур тартибга келтирилиб, 2386 километри тозаланади. "Уртўқли" ва "Ерлиқоп" зовурлари тубдан қайта созланиб, 13 километр узунликдаги қисми реконструкция қилинади. Сувдан фойдаланувчилар уюшмаларига қарашли иншоотлардан 60 тасида, кузатув ҳудудларидан 300 тасида, хўжаликлараро мелиоратив тармоқлардаги иншоотлардан 20 тасида ҳам худди шундай ишлар олиб борилади. 22 та қудуқ, 9 та насос станцияси қайта тикланади ва таъмирланади. Бунинг учун йил мобайнида салкам 8 миллиард сўм миқдорида маблағ ажратилади. Жаҳон банки ва Осиё Тараққиёт банкининг 12,5 миллион долларлик кредити ҳам деҳқонлар мушкулини осонлаштириш учун сарфланади. Натижада, зовурлардаги сув сатҳи олтмиш сантиметрдан бир ярим метргача пасаяди. 25-30 минг гектар майдонда сизот сувларнинг даражаси ва минераллашуви камаяди. Қарийб 40 минг гектар ерга хавф солаётган шўрланишнинг олди олинади. Бекобод, Бўка, Чиноз, Янгийўл, Оҳангарон, Қуйичирчиқ туманларидаги бир неча минг гектар кучли ва қисман шўрланган экинзорларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланади.

Албатта, белгиланган вазифаларнинг рисоладагидек адо этилиши, кўп жиҳатдан, тизимнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга боғлиқ. Шу боис, Фармонга биноан Молия вазирлиги ҳузурида ташкил этилган Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси ҳисобидан жорий йилнинг ўзидаёқ вилоятга умумий қиймати 3 миллиард 495 миллион сўмлик 20 та экскаватор ва тўртта бульдозер, шунингдек, иккита трайлер, олтита тураржой вагони, иккита ёнилғи қуйиш қурилмаси келтирилади.

Мухтасар қилиб айтганда, Тошкент вилоятида ҳам ризқ-рўзимиз асосий манбаи — ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида ниҳоятда савобли ишларга қўл урилди. Бу саъй-ҳаракатлар келажакда ўз самарасини беришига шубҳа йўқ.

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «Сайқал»нинг савобли ишлари

***Фарғонадаги Абдураҳмон Ниёзов раҳбарлик қилаётган «Сайқал» савдо-ишлаб чиқариш корхонасида ногиронлар аравачасининг ўнга яқин қисмлари тайёрланмоқда.***

Ишчиларнинг аксарияти эса биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари. Улар эҳтиёжмандлар учун қандай русумдаги аравачалар зарур, уларнинг тузилишига яна қандай қулай ўзгартиришлар киритиш лозимлигини яхши билишади. Аравачаларнинг 30 дан ортиқ деталларининг атиги 3-4 тасигина четдан олиб келинаяпти. Қолганлари корхона цехларида тайёрланади.

Янги йилдан бошлаб аравачаларнинг қўлда, тирсакли ҳаракатланадиган, тор жойларда ҳам бемалол юра оладиган, шунингдек, болалар ва спорт мусобақаларида ҳам қатнашиш имконини берадиган нусхаларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Қамалдан қутулишди

Кеча эрталаб фаластинликлар Ғазо сектори ва Миср Араб республикасини ажратиб турувчи деворнинг беш жойини портлатиб юборишди. Бу билан улар Исроил томонидан секторнинг қамал қилинишига барҳам беришди. Маълумки, Исроил армияси бир неча кундан буён ўз ҳудудини Фаластин ҳудудидан отилаётган ракеталардан ҳимоя қилиш мақсадида Ғазо сектори атрофини ўраб олган ва бу ерга инсонпарварлик ёрдамларини ҳам киритмаётган эди.

Девор портлатилгандан сўнг минглаб фаластинликлар Миср томонга ўтиш имконига эга бўлишди.

## Кам ёнилғи сарфлайди



**«Subaru» компанияси келгуси ойдан бошлаб дизель билан ишлайдиган 150 от кучига эга бўлган Boxer Diesel моторларини савдога чиқаришини маълум қилди. Бу двигателлар ҳозирча «Legacy Sports Tourer» ва «Legacy Outback» автомобилларига ўрнатилади.**

**Мутахассислар янги двигатель ихчамлиги ва ёнилғини кам сарфлаши билан бозорда тезда ўз ўрнини топиши мумкинлигини айтмокда. Мазкур мотор ҳар 100 километр масофага 5 литр дизель ёнилғи сарфлайди.**

## Тартибсизлик ҳам демократиями?

Ўтган йили Францияда гўё демократия намунаси сифатида муҳожирлар бир неча марта тартибсизликлар келтириб чиқаришганди. Айрим сиёсатчиларнинг таъкидлашича, бунга муҳожирлар ўртасида ишсизликнинг кўплиги сабаб бўлган. Шуни ҳисобга олиб мамлакатда махсус лойиҳа ишлаб чиқилди. Унга кўра кейинги уч йилда янги саноат корхоналарини ишга тушириш ҳисобига 40 мингта янги иш ўринлари ташкил этилади.

Мамлакат президенти Николя Саркозининг таъкидлашича, ўтган йилги тартибсизликлар ишсизлик туфайли келиб чиқмаган.

## Рўёбга чиқмаган режа



**Италия полициясининг бадиий қимматга эга бўлган асарлар ўғирлигига қарши кураш бўлинмаси ходимлари Уйғониш даврига тегишли икки асарни топиб, ўз эгаларига қайтаришди. Уларнинг қиймати 4 миллион еврони ташкил этади.**

**XVI асрда яратилган ушбу картиналар ўтган йилнинг февраль ойида Капри оролидаги меҳмонхоналарнинг биридан ўғирлаб кетилган эди. Асарлар учун харидор топа олмаслигига кўзи етган ўғрилар, уларни эгаларига сотишни режалаштиришганди. Аммо жиноятчилардан бирининг кутилмаганда қўлга тушиб қолиши режани барбод қилди.**

## Қайтарилишига кафолат берди

Лондонда 1875—1925 йиллар орасида рус рассомлари томонидан яратилган асарлар кўргазмаси бўлиб ўтмоқда. Россиянинг тўртта музейида сақланаётган мазкур асарларни «туманли албион»га олиб келиш анча қийин кечди. Кўргазмани ташкил этиш масаласи аввалдан келишилган бўлса-да, Россия томони Буюк Британия ҳукумати суратларнинг тўлиқ қайтарилишига кафолат бермагунча, уларни Лондонга олиб келмади. Гап шундаки, бу дурдона асарлар муаллифларининг кўплаб қариндошлари ҳозирда Англияда яшайди. Улар суратларга даъво қилиши мумкин эди.

Узоқ тортишувлардан сўнг Англия ҳукумати асарларга учинчи одамнинг даъво қилишга ҳақи йўқлиги тўғрисида кафолат берди.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***


**«TOSHKENT REGIONAL TRADING» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ**

*ҚУЙИДАГИЛАРНИ ИЖАРАГА БЕРАДИ:*

- *Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Афросиёб кўчаси, 2-уйда жойлашган «Бизнес-марказ» биносининг I-қаватидаги умумий майдони 530 кв.м. бўлган савдо майдони ва омборхоналар.*
- *Чирчиқ шаҳридаги 500 тонна маҳсулотни сақлашга мўлжалланган музлатгич.*

*СОТАДИ:*

- *Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, Туябўғиз қўрғони, Навоий кўчасида жойлашган, фойдали майдони 180,2 кв.м. бўлган савдо дўкони.*

1962Н/2386

**Мурожаат учун телефонлар: 152-11-34, 152-11-75.**



IPOTEKA BANK

# «ИПОТЕКА-БАНК»

## Акциядорлик тижорат ипотека банки акциядорлари диққатига!

**«Ипотека-банк» АТИБ кузатув кенгаши шуни маълум қиладики, 2008 йил 2 февраль куни соат 11.00 да, Тошкент шаҳри, Хоразм кўчаси, 9-уйда жойлашган «Ипотека-банк» Меҳнат филиалининг мажлислар залида «Ипотека-банк» АТИБ акциядорларининг 2007 йил 18 декабрда ўтказилган, ваколатли бўлмаган навбатдан ташқари умумий йиғилишининг янгидан чақирилиши бўлиб ўтади.**

**Йиғилиш кун тартиби (ўзгармаган):**

1. Банк бошқарув раисининг 2007 йил 9 ойи якунлари бўйича ҳисоботи.
2. Дивидендлар ҳисоблаш ва 2007 йил 9 ойи бўйича жорий фойдани тақсимлаш, бунда банкнинг 9 ой якунлари бўйича жорий фойдасини капиталлаштириш ва банкнинг оддий эгаси ёзилган акцияларини сотиб олишга йўналтириш.
3. 4-эмиссия акцияларини тақсимлаш шартлари ва тартибини тасдиқлаш. Уставга ўзгартириш киритиш ва устав фондини ошириш кузатув кенгаши ваколатига берилганлиги сабабли 4-эмиссия акцияларини тақсимлаш шартларини кўриб чиқиш, яъни:
   - 4-эмиссия рисоласини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш пайтида имтиёзли ҳуқуққа эга бўлган акциядорларнинг рўйхатини кузатув кенгаши томонидан аниқлаш;
   - 4-эмиссия акцияларини сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқ муддатини аниқлаш (3 ойгача ёки 6 ой);
   - акцияларни сотиб олишда имтиёзли ҳуқуқдан айрим акциядорлар томонидан фойдаланилмаган ҳолларда имтиёзли ҳуқуқни қўшимча 3 ойгача бўлган муддатда бошқа фаолият юритаётган акциядорлар орасида ишлатиш, ЎзРФБга чиқариладиган умумий эмиссия суммасининг 25 фоизи бундан мустасно.
4. «Ипотека-банк» АТИБ томонидан муомалага чиқарилган 3-эмиссия рисоласини бекор қилиш.
5. «Ипотека-банк» АТИБ томонидан эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини янгидан белгилаш.
6. «Ипотека-банк» АТИБ уставига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчаларни тасдиқлаш.

***Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш соат 10.00 да бошланиб, 11.00 да тўхтатилади.***

**Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефон орқали олишингиз мумкин: 150-89-52. Факс: 150-98-19.**

93R/2198/108



## 2008 йил — Ёшлар йили

*Ёшлик — ривожланиш ва юксалиш даври!*

Юртимиз ёшларини қўллаб-қувватлаш мақсадида

# АТ «ПАХТА БАНК»

ўзининг янги, қулай ва манфаатли йиллик 30 фоиз даромад тўланадиган

# «Баркамол авлод»

жамғарма омонат турини жорий этди.

**Омонатга ҳисобланган фоизли даромадингизни пул ўтказиш йўли билан сиз:**

- ***таълим кредити ва таълим контрактини тўлашингиз;***
- ***ипотека ва истеъмол кредитини сўндиришингиз;***
- ***коммунал тўловларни тўлашингиз;***
- ***ёки ҳисобланган фоизларни нақд пулда олишингиз мумкин.***

**Омонатни сақлаш муддати — 18 ойгача.**
**Бошланғич бадал миқдори — 10 000 сўм.**

# ПАХТА БАНК — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН 2372R/58


## 500 КИШИ ИШЛИ БЎЛДИ

***Тошкент вилоятида аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этишга жиддий эътибор қаратилмоқда.***

Шу мақсадда вилоят ҳокимлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, Хотин-қизлар қўмитаси ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлими томонидан шаҳар ва туманларда 107 дафъа меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Пировардида, 54 мингдан ортиқ талабгор доимий иш билан таъминланди.

Ўтган ҳафта уюштирилган дастлабки меҳнат ярмаркаси ҳам муваффақиятли якунланди. Унда 164 та корхона-ташкилот ва хусусий тадбиркорлик субъекти ўзларида мавжуд 2360 та бўш иш ўрни билан қатнашди. Натижада, жамият учун фойдали меҳнат билан шуғулланиш иштиёқида бўлганлардан 500 нафарининг илтимоси қондирилди. Бир неча киши эса касб-кор эгаллаш ва малака ошириш бўйича бепул ўқув курсларига жалб этилди.

**А. ҲАЙДАРОВ.**


## «Меҳрли савдо»

ШЎЪБА КОРХОНАСИ

**қуйидагиларни пул ўтказиш йўли билан катта миқдорда сотиб олади:**

- ***Россия, Украина ва Қозоғистонда етиштирилган: гречиха ёрмаси, оқланган тариқ ёрмаси (пшено), арпа ёрмаси, буғдой ёрмаси, майдаланган нўхат (горох);***
- ***қора ва кўк чой;***
- ***қуруқ хамиртуруш, лавр япроғи, янчилган мурч;***
- ***қуюлтирилган сут.***

93R/105

**Мулоқот учун телефонлар: 137-14-59, 137-45-15. Факс: 137-14-92.**



## ТАШКИЛОТ ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ:

1. **«MAN» русумли автомашинага «С» ва «Е» категорияли гувоҳномага эга ҳайдовчилар.**

   ***Талаблар:***
   - *меҳнат стажи — камида 5 йил;*
   - *ёши 40 дан ошмаган;*
   - *маош — 200 000 сўм ва ундан юқори.*

   Иш Ўзбекистон Республикаси бўйлаб хизмат сафари билан боғлиқ.

2. **Енгил автомашинага «В» ва «С» категорияли гувоҳномага эга ҳайдовчи.**

   ***Талаблар:***
   - *меҳнат стажи — камида 5 йил;*
   - *ёши 25-30 дан ошмаган;*
   - *маош — 200 000 сўм ва ундан юқори.*

**Маълумот учун телефонлар: 185-17-11, 258-75-94, 258-75-96.**
**Маълумотлар (резюме)ни қуйидаги факслар орқали юбориш мумкин: (99871) 150-01-11, 150-11-55, 150-22-55.**
**E-mail:CHERMETGROUP@POSTBOX.UZ**



# «Крокус Газ Сервис» ҚК

**«Газдевайс» ЁАЖ ва «Сигнал» ЭАБнинг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили бўлиб, турли русум ва катталикдаги қозонларни таклиф этади:**

- горелка ўрнатилган, газда ишлайдиган иситиш ва сув иситиш қозонлари *(200 кВт ва 400 кВт);*
- буғ қозонлари *(соатига 500 кг.дан 4000 кг.гача);*
- икки йўналишли (каналли) сув иситиш қозонлари *(100 кВт ва 200 кВт);*
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи найсимон қозонлар *(7 кВт дан 16 кВт гача);*
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи пластинкасимон қозонлар *(20 кВт дан 100 кВт гача);*
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи икки контурли пластинкасимон қозонлар *(10 кВт дан 40 кВт гача).*

***Қозонлар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.***
***Барча қозонлар учун кафолат — 24 ой.***

**Кўргазмалар ва сервис марказлари манзиллари:**
1. **Тошкент ш., «Миробод» (собиқ «Госпитал») бозори, саноат моллари қаторида жойлашган 1-дўкон. Тел.: 306-40-39, 133-44-73.**
2. **Тошкент ш., С. Азимов ва «Ўзбекистон овози» кўчалари кесишган жойда (Мўлжал: Шастри ҳайкали, эски ҳайвонот боғи). Тел./факс: 132-21-22, 176-77-34.**



# ООО "Chirchiq GTS"

Услуги лицензированы

**реализует**

# СЖИЖЕННЫЙ ГАЗ

**в баллонах**

в неограниченном количестве.
Отпуск производится ежедневно, кроме субботы, воскресенья.

Также предприятие производит КАПИТАЛЬНЫЙ РЕМОНТ АВТОМОБИЛЬНЫХ И БЫТОВЫХ ГАЗОВЫХ БАЛЛОНОВ.

**Цены — договорные.**

Форма оплаты — любая.

**Контактные телефоны: 8-(37071) 3-06-79, 3-05-41 с 8.00 до 17.00.**



"INTEGRAL ASIA"

17" мониторли

# Р4 компьютерлари



634 000 Тошкентдаги омбордан сўмдан бошлаб

**Пул ўтказиш йўли билан сотилади.**

Тошкент ш., «Фарғона йўли» к.13/12,
тел.: 233-10-46, 120-30-27, 120-30-28,
факс: 120-30-26.

**Товар сертификатланган.**
**e-mail: sale@onlineuz.net**
**www.integr-asia.com**


Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги жамоаси Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари М. Қуроновга падари бузруквори

**ҚУРОН отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази жамоаси марказ раҳбари Муҳаммаджон Қуроновга падари бузруквори

**ҚУРОН отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Саноатконтехназорат» Давлат инспекцияси жамоаси Наманган минтақавий кон техника инспекцияси бош мутахассиси Раҳимжон Норматовга онаси

**САНОБАРХОН аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

**Кейинги йилларда катта экран мухлислари сони камайиб бораётгани хусусидаги ташвишлар эшитилиб турибди. Бунга жавобан: «Ҳа энди, телевидениеда сериаллар мунтазам қўйиб турилибди, бунинг устига, кўпчиликнинг хонадонида DVD, видеомагнитофон деган роҳатижонлар бор. Диск ёки видеотасмани олиб, истаган фильмни уйда кўравериш мумкин», дея ўзимизни овутамиз. Бироқ шуни ҳам тан олишимиз керакки, бугун кинотеатрларга томошабин аста-секин қайтаяпти. Масалан, Наманган даги 600 ўринли «Машраб» кинотеатрида бундан уч-тўрт йил аввал ўртача томошабинлар сони 10-12 нафарга тушиб қолган эди. Ҳозир янги фильмлар намойиш этилган кунларда ўриндиқларнинг қарийб ҳаммаси банд қилинаётгани кузатилмоқда.**

# КАТТА ЭКРАННИНГ ЎЗ ЎРНИ БОР

Мулоҳаза

Тўғрисини айтганда, томошабин, чиндан ҳам хориждан турли йўллар билан кириб келган енгил-елпи, зўравонлик ва беҳаёликни тарғиб қилувчи видеокассеталар, фақат муштлашувлардан иборат жангари фильмлардан зерикиб, халқимиз қувончи ва ташвишларига эш, миллий руҳни ўзига сингдирган асарларни интиқиб кутди. Бугун ана шу чанқоқлик сезиларли қондирилмоқда. Биргина «Ўзбеккино» Миллий агентлигининг Наманган вилоят ҳудудий бўлими республика кинофондидан 2006 йилда 17, ўтган йили эса 51 номдаги бадиий ва ҳужжатли фильмларни сотиб олди.

— Тасарруфимизда иккита кинотеатр бор, — дейди «Медиатор сервис» масъулияти чекланган жамияти раиси Тоҳиржон Мўминов. — Уларни томошабинни ҳамиша жалб этувчи масканга айлантириш учун ҳаракат қиляпмиз. Бултур 6 та миллий фильм олиб келдик. «Машраб»да эса асосий фаолиятдан ташқари стол тенниси, компьютер ўйинлари, фотостудия, кассеталар ижараси сингари хизматларни йўлга қўйганмиз. Бундан ташқари, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган фильмлар ижодкорлари билан учрашувлар ташкил этаяпмиз.

Айни паллада Наманганда бошқа вилоятларга қараганда анча кўп — 19 та кинотеатр фаолият юритяпти. Бироқ бу, иш тўла жойига тушиб олди, дегани эмас. Айрим туманларда катта экран мухлислари эҳтиёжини қондирадиган масканлар йўқ ҳисоби. Масалан, Янгиқўрғондаги Дали Сатторов номли кинотеатр бундан тўрт йил аввал асосий фаолиятни давом эттириш шарти билан хусусийлаштирилган эди. Аввалига бироз ишлаб турди. Кейин эса унинг янги эгаси Т. Исоқов уни бошқа бировга сотиб юборди ва шу билан маскан ёпилди-қолди. Уйчидаги «Улуғбек» кинотеатрининг тақдири ҳам шундай бўлди. Мингбулоқ туманидаги марказидаги кинотеатрда сўнгги фильм қачон намойиш этилгани эса кўпчиликнинг ёдидан ҳам чиқиб кетган. Мулкдорларнинг масалага бу тарздаги ёндошуви мазкур ҳудудларда яшовчи минглаб аҳоли киноасарларни катта экранларда кўриш завқидан бебаҳра қолишига олиб келаётир.

Хўжалик юритувчи барча субъектлар қатори кинотеатрлар ҳам бозор иқтисодиёти тамойилининг иштирокчиси сифатида ўз аравасини ўзи тортяпти. Энди «Ижарачилар қачон янги фильм олиб келишаркин» деган кайфиятга ўрин йўқ. Изланиш, изланганда ҳам шоу-бизнеснинг ўзига хос қирраларини ўзлаштириб, шу асосда ҳаракат қилиш зарур. Энг муҳими, ранг-баранг миллий фильмларимиз, жаҳон киносанъатининг дурдоналари экранлардан тушмас экан, мухлислар маънавий масканни сира тарк этишмайди, деб ўйлаймиз.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**




# МТС НУКУСДА ЯНГИ ОФИСИНИ ОЧДИ

***Республикамиз ҳудудларида кун сайин сафи кенгайиб бораётган абонентларга сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида МТС компанияси янги ва ҳудуд жиҳатидан кенгайтирилган офисларни ташкил этмоқда.***

22 январь куни Нукус шаҳрида ана шундай янги офис очилди. Бинонинг ташқи ва ички безаги МТС стандартларига мувофиқ бўлиб, компаниянинг янги мавқеини акс эттиради.

Янги офис шаҳар марказидаги «Тўрткўл» шоссеси, 138-«А» уйда жойлашган (Қорақалпоғистон Республикаси Фанлар академияси биноси қаршисида). Умумий майдони 150 квадрат метрдан иборат офис залида абонентларга тез ва самарали хизмат кўрсатиш учун барча шарт-шароит яратилган. Бу ерда абонентларга 10 та оператор хизмат кўрсатади, 3 та кассада тўлов амалга оширилади. Зал майдонида, зарурат туғилганда, янада кўпроқ абонентларга қулай шароитларда хизмат кўрсатиш учун иш ўринларини кўпайтириш имконияти бор.

Абонентлар МТСнинг Нукусдаги янги офисида барча турдаги хизматлардан фойдаланиш — унинг тармоғига уланиш, алоқа хизмати учун ҳақ тўлаш, экпресс-тўлов карточкаларини харид қилиш, қўшимча хизматларга боғланиш, шунингдек, абонентларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ҳар қандай масалани ҳал этиш имконига эгадирлар.

**e-mail: pr@mts.uz** [t]

# Тасвирларда ҳаёт жилоси

***... Ўшанда у тоғлар бағрида эди. Мўйқаламни лабига қистирганча, олис-олисларга тикилиб хаёл сурарди. Бир маҳал ғалати ҳайқириқ қулоғига чалинди. Зимдан разм солса, бир чол ҳўтикчага нобуд бўлган қўйни ортмоқлаб, чўҳ-чўҳлаганча дарадан тушиб келяпти. Ҳўтик эса гўёки елкасига ортиб олиб кетаётгани қўзининг жон таслим қилганидан изтиробга тушгандек нола қиларди. Кейинчалик бир неча ойлар давомида бу ғалати ҳолат мусаввирнинг хаёлини банд этди. Мўйқаламини қўлга олди-ю, қалбида уйғонган ҳислар билан қўшиб ўша манзарани тасвирлай бошлади...***

Санъат

— Ёрқин қизил рангда акс этган бу асар, негадир, айтмоқчи бўлган фикримни тўлиқ ифодалай олмагандек туюлаверди, менга, — дейди Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, Ўзбекистон Бадиий академиясининг биринчи олтин медали соҳиби, маҳоратли рассом Ортиқали Қозоқов. — Сурат тайёр бўлди-ю, ундан кўнглим тўлмасди. Назаримда, нимадир етишмаётгандек туюлаверарди. Асарим нафақат инсон, балки биз онгу тафаккурдан мосуво ҳисоблайдиганимиз ҳайвонлар ҳам бу ҳаётни бевақт тарк этган шериклари учун изтироб чекишни, улар фожеаси сабаб азобланишни билишади, деган фикрни илгари суриши керак эди. Меҳр-оқибатсиз, эзгуликсиз ҳаёт ҳаёт эмаслигини исботлаб турган бу фалсафани тўлиқ акс эттириш учун эса яна қандай бўёқлар даркорлиги ҳеч ақлимга келмасди. Шу тариқа, асарим мени ойлаб "кутди". Устахонамнинг бир четида мунғайибгина тураверди. Бир куни оқшом маҳали хонага кириб чироқни ёқмоқчи бўлдиму беихтиёр ой нурида кўкиш-зангори тус олган расм эътиборимни тортди. Ой нури тортиқ этган бу ажиб ранг ҳаммасини ҳал қилганди. Эзгуликни, меҳр-оқибат ва ҳаёт суратини ўзим истагандек, кўнглимдагидек жонлантира олганимдан бахтиёр эдим, шу топда.



**— Ижодкорнинг бошқалардан фарқли жиҳатлари кўп. Унинг ўз олами, хаёлотга чорловчи беғубор бир дунёси бор. Шу жиҳатдан олиб қараганда, унинг кўнгил манзараси ижод маҳсулида ҳам акс этади, тўғрими?**

— Аслида ижодкор зоти борки, қалб истагига бўйсунмай яшамайди. Ижод аҳлининг бошқалардан фарқи ҳам доимо ўз кўнглига қулоқ тутиши, унинг бесарҳад хиёбонида сайр этиб юриш асносида ўзига керакли нарсани илғай олишидадир. Ана шу топилма ранглар, оҳанглар, сўзу қофиялар тимсолида ўз ифодасини топади. Аслида, санъат асарлари — кўнгил мўъжизаларидир.

**— Тасвирий санъатнинг, асосан, авангард, модерн услубларида ижод қиласиз. Бу йўналишлар сизни нимаси билан ром этади?**

— Ҳар иккала услуб ҳам замонавийлик ва миллийлик уйғунлигида ижодкорнинг ўзига хос қирраларини очиб беришга қодирлиги боис менга маъқул. Биласизми, мусаввир учун борлиқни қандай бўлса, шундайлигича ифодалашнинг ўзи камлик қилади. Ҳар қандай асар замирида унинг фалсафий мушоҳадалари, қалб садоси бўлмоғи керак. Шундагина рассом асарлари моҳиятининг инсонлар юрагига етиб боришига умид қилиш мумкин. Авангард ва модерн оқимлари талабларининг ижодимда устунлик қилишига сабаб шу.

Яқинда Миср пойтахти Қоҳира шаҳрида шахсий кўргазмам бўлиб ўтди. Йигирмага яқин асарим намойиш этилган бу кўргазмада, айнан шу услубларда ишланган "Имом Бухорий", "Самарқанд", "Бухоро", "Малика", "Азон" каби тасвирларим кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Элчихоналар вакиллари, журналистлар, санъаткорлардан иборат экспертлар ижодимдаги миллий руҳ, қолаверса, фалсафий қарашларни алоҳида эътироф этишди. Умуман, томошабинлар асарларимга боқиб, кўпинча, ҳатто ўзимнинг ҳам хаёлимга келмаган маънолардан сўз очишади.

**— Эшитишимизча, асарларингиз АҚШ, Франция, Италия, Япония, Англия, Швейцария, Корея каби йигирмадан зиёд давлатларнинг нуфузли галереяларида сақланаркан?**

— Ҳа, бу истиқлолнинг бебаҳо туҳфаси. Ижодим эндигина эл назарига туша бошлаган кезлар мустақиллигимизнинг дастлабки йилларига тўғри келган. Шу ўтган вақт мобайнида кўплаб халқаро кўргазмаларда қатнашиб совриндор бўлдим, қолаверса, бир неча давлатларда шахсий кўргазмаларим очилди. Ўзбекнинг ўзига хос, бокира ҳис-туйғулари, буюк маънавий меросини жаҳонга танитиш имкони берилди, менга. Айниқса, хорижликларнинг бизнинг юртимиз, аждодларимизга бўлган қизиқиши, эҳтиромига гувоҳ бўлиб, қалбинг ғурурга тўларкан. Мисрда бўлганимда шундоққина Нил дарёси соҳилида бунёд қилинган "Ал Фарғоний" музейи ва бобомиз шарафига ўрнатилган улуғвор ҳайкални кўриб, кўзларимда ёш қалқди.



Қоҳиранинг энг катта кўчаларидан бири Ибн Сино номи билан аталаркан. Ўша кўчани зиёрат қилдим, у ерда истиқомат қилувчилар билан танишдим. Ўзга халқ тилидан бобомиз ўгитларини эшитиб, алланечук ҳаяжонга тушдим. Миср миллий кутубхонасида эса Камолиддин Беҳзод ҳазратларининг Хусрав Деҳлавий асарларига ишланган миниатюраси сақланаркан. Йилига икки миллиондан зиёд сайёҳ ташриф буюрадиган бу тарихий ўлкада биз — ўзбеклар номи жаранг сочиб турганининг ўзида катта ҳикмат бор. Буларнинг бари бугун бизнинг ана шу тенгсиз шон-шуҳратимизу буюк меросимизга тўлиқ ворислик қилиш ҳуқуқига эгалигимиз шарофатидан. Шуларни ўйлаганим сайин илҳомим жўшиб, ижодга шўнғийвераман.

**«Халқ сўзи» мухбири Муборак ОХУНОВА суҳбатлашди.**

Спорт

## Кураш охирги турғача давом этади

***Қатарда 19 ёшгача бўлган футболчилар ўртасида халқаро турнир давом этмоқда.***

"А" гуруҳидан жой олган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси биринчи турда қатарлик тенгдошларини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратишган эди. Аҳмад Убайдуллаев шогирдлари иккинчи турда Хитой ёшлар терма жамоасига (0:2) ютқазиб қўйди. Вакилларимиз учинчи турда ҳозирча битта ғалаба ва битта дуранга эришган Кипр футболчиларига қарши майдонга тушишади.

## Таиландга — Олимпиада йўлланмалари учун

***Куни кеча бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси Олимпиада ўйинларига йўлланма берувчи мусобақада қатнашиш учун Таиландга жўнаб кетди.***

Унда Рафиқ Султонов (48 кг.), Тўлашбой Дониёров (51 кг.), Улуғбек Холмуродов (54 кг.), Баҳодиржон Султонов (57 кг.), Зокир Ортиқов (64 кг.), Дилшод Маҳмудов (69 кг.), Элшод Расулов (75 кг.) ва Жасур Матчонов (91 кг.) сингари боксчиларимиз йўлланмалар учун кураш олиб боради. Турнирда фақат финалга чиққан боксчиларгина Олимпиада йўлланмасига эга бўлади.

Эслатиб ўтамиз, ҳозирча боксчиларимиздан фақат Аббос Атоевда Олимпиада йўлланмаси бор.



**З. ЖОНИБЕКОВ, "Халқ сўзи" мухбири.**


# Тариф Биринчи



## Мобил ҳаёт эшигини очинг!

**Барча мобил рақамлардан кирувчи алоқа – БЕПУЛ!**

**Тармоқ ичида барча чиқувчи қўнғироқлар бир дақиқа учун 2 цент**

Ўзбекистон бўйича Ўзбекистон ҳудудидаги барча уяли алоқа операторлари
абонентларидан бўлган қўнғироқларда ва операторга тегишли префикс тўғри берилганда

**0890 моб., тел.: (+998 97) 130 09 09, 131 09 09, 103 09 09**
**www.mts.uz / wap.mts.uz**
Тўловлар сўмда ЎзР МБнинг тўлов кунидаги курси бўйича амалга оширилади
Нархларга барча солиқлар киритилган
Ўзбекистон Республикасида хизматлар «Уздунробита» компанияси томонидан тақдим этилади
Хизматлар лицензияланган

МТС

81Н/2222



**Фермер ва деҳқон хўжаликлари, тадбиркорлар диққатига!**

2007 йилда Голландиядан келтирилган элита ва биринчи репродукция уруғлари асосида Ўзбекистонда етиштирилган, Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилоятидаги омборларда сақланаётган

**уруғлик картошка сотилади.**



*Тўлов шакли турлича.*

Телефонлвр:
+ (99897) 711-04-04,
710-40-40.
e-mail: giras@bk.ru

91R/115



**МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ**



«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизида тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчиларни) таклиф этади.

**МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ**

амкодор



(Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б ...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалик (МТЗ трактори негизида) ва махсус техникаларни таклиф этади.

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН

Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.

**МАЗ ВА АМКОДОР ТЕХНИКАЛАРГА СЕРВИС ХИЗМАТИ КЎРСАТИЛАДИ.**

Манзил: 100005, Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй. Телефон/факс: 291-64-06, 291-68-94. E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 57. 48341 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

[t] -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — А. Қутбиддинов.
Навбатчи — Ш. Ортиқов.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.10 Топширилди — 22.30 1 2 3 4 5 6 7